ПАРТИЯ РЕЖАЛАРИ—ХАЛҚ РЕЖАЛАРИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН № 47 (7437). 6 март, 1981 йил Ж У М А Баҳоси 2 тийин.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети область пахтакорлар Советининг 1981 йил ҳосили учун чигитни барвақт, уюшқоқлик билан экишга тайёргарлик кўришини ўз вақтида тугаллаш юзасидан тавсияларини тасдиқлади.

(Тавсиялар 3-бетда эълон қилинмоқда).

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, область қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ишлаб чиқариш бошқармалари, «Ташоблсельхозтехника», «Ташоблзаготхлопкопром» бирлашмаларига ва уларнинг жойлардаги органларига, хўжаликлар раҳбарлари ва партия ташкилотларига қуйидаги вазифалар топширилди:

икки кун муддат ичида мазкур тавсияларни барча пахтачилик колхозлари, совхозлари, бригадаларида кенг муҳокама этиш, конкрет маҳаллий шароитдан келиб чиққан ҳолда чигитни барвақт, уюшқоқлик билан экишга тайёргарлик кўришини ўз вақтида тугаллаш бўйича ташкилий-хўжалик ва агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

барча мавжуд ер қазиш-текислаш техникаси, тракторлар, бороналар, экиш агрегатларини ишга сифатли тахт этилиши ва улардан икки сменада юксак унум билан фойдаланиш юзасидан кундалик қатъий назорат ўрнатиш;

область пахтакорлар Советининг мазкур тавсияларида белгиланган муддатларда хўжаликларга уруғлик чигит, минерал ўғитлар, гербицидлар, гўзани ҳашарот ва касалликлардан муҳофаза этиш бўйича химиявий воситалар, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материалларини керак миқдорда ташиб келтиришни тугаллаш;

сифат бўйича комиссиялар ишини активлаштириш чораларини кўриш, уларни малакали мутахассислар, ишлаб чиқариш илғорлари ҳисобига мустаҳкамлаш.

«Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда» газеталари редакцияларига 1981 йил ҳосили учун чигитни барвақт, уюшқоқлик билан экишга тайёргарлик кўришни ўз вақтида тугаллаш бўйича илғор колхозлар, совхозлар, бригадалар иш тажрибасини кенг пропаганда қилиш топширилди.

ИДЕОЛОГИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ ШАРАФЛИ ИШИ

Совет халқи, бутун тараққийпарвар инсоният ҳаётида унутилмас воқеа бўлган КПССнинг тарихий XXVI съезди ўз ишини тугатди. У Коммунистик қурилишнинг, тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун курашнинг улуғвор программасини белгилаб берди.

Барча совет кишилари ғоят юксак бирлик ва жипслик билан ўтган съезд руҳи, коммунистлар анжуманида қабул қилинган тарихий қарорларнинг зўр таассуроти билан яшамоқдалар.

КПСС XXVI съезди белгилаб берган вазифаларни муваффақиятли бажариш, уларни тўла амалга ошириш учун барча меҳнаткашларни сафарбар этиш партия ташкилотларининг, идеология ходимларининг жонажон ишидир. Аввало съезд қарорларини чуқур ўрганиш ва уни аҳолининг кенг қатламларига тарғиб қилиш биринчи галдаги вазифадир. Бу ишга бугунданоқ тарихий анжуман қатнашчилари — съезд делегатлари киришдилар. Улар ўз коллективларига қайтиб келиб, Кремлнинг съездлар саройидаги унутилмас учрашувлар, ўз соҳалари бўйича партия анжумани олдинга қўйган вазифалар ҳақида касбдошларига зўр ҳаяжон билан гапириб бермоқдалар.

Пропагандист ва агитаторларимиз муҳим дастурламал, керакли қўлланма ва йўл-йўриқларга эга бўлдилар. Матбуотда съезд материаллари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳисобот доклади, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари, бошқа бир қатор ҳужжатлар эълон қилинди. Уларда партиямиз ва халқимиз босиб ўтган йўл якунланиб, келажак режалари, улуғвор истиқболлар аниқ белгилаб берилган.

КПСС XXVI съездига тайёргарлик даври ва съезд иш олиб борган кунлар бутун мамлакатимизда бўлгани каби областимизда ҳам меҳнат ва сиёсий активлиги ҳар қачонгидан ҳам авж олиб кетди. Съездга бағишланган меҳнат ғалабалари тўғрисида минглаб рапортлар олинди. Ишчилар, дала меҳнаткашлари, чорвачилик миришкорлари, бинокорлар, транспортчилар, фан ва маданият арбоблари, янги ютуқларга эришиб, шонли ишлар билан Ватанни қувонтирдилар. Съезд арафасида пойтахт Тошкент области сурункасига саккизинчи марта Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг голиби деб топилди. Областимизга КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилди.

Съезд ишлаб турган кунлар саноат корхоналаримиз икки йилик планни муддатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

Съезд тамом бўлган ҳозирги кунларда ўша сиёсий кўтаринкилик ва юксак меҳнат маромини давом эттирди. Энди барча меҳнат коллективларининг фикри-зикри партия олдимизга қўйган улуғвор режаларни тўла амалга оширишдан, ўн биринчи беш йиллик ва унинг биринчи йили планини муваффақиятли бажаришдан иборат.

Область шаҳар ва районларида ўтган сешанба куни бўлган ягона сиёсий кун КПСС XXVI съезди материалларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда қилган Ҳисобот докладини кенг тушунтиришга бағишланди. Корхоналар, муассасалар ва қурилишларнинг, колхоз ва совхозларнинг коллективларида раҳбар, партия, совет, касаба союз, комсомол ходимлари лекторлар, пропагандистлар, сиёсий докладчилар билан бирга съезд материаллари ҳусусида мароқли суҳбатлар ўтказдилар.

Куни кеча бўлиб ўтган область идеология активининг кенгашида КПСС XXVI съезди қарорларини оммага етказиш бўйича қилинажак ишлар муфассал гаплашиб олинди.

Съезд янги беш йилликда мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг кенг программасини амалга ошириши барча партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотларининг энг муҳим хўжалик-сиёсий вазифаси деб ҳисоблади.

Съездда идеология ходимлари олдига ҳам янги талаблар ва вазифалар қўйилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладида идеология ишининг мазмуни актуалроқ бўлиб қолиши, бу ишнинг формалари совет кишиларининг замонавий талаб-эҳтиёжларига жавоб бериши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Бутун ғоявий-тарбиявий иш жонли ва қизиқарли қилиб олиб борилиши керак. Совет киши — билимдон, маданий кишидир. У билан яхши ўйламай, қуруқ расмий тилда гаплашиш, реал фактлар билан конкрет алоқа боғлаш ўрнига умумий гаплар билан чекланиб қолиш мумкин эмас.

Партия фикрини оммага етказиб, унинг снёсатини тушунтириб бераётган кишилар — лекторлар ва пропагандистлар, агитаторлар ва докладчилар янгиликларни ҳис эта билишлари керак. Ўткир зеҳнлилик, янгиликни тинимсиз излаш ва шу янгиликни қўллаб-қувватлаш жуда зарур, деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев. Ҳар ерда ва ҳамма соҳада бўлгани каби идеология ишида ҳам доимо ташаббускорлик талаб қилинади.

Идеология ходимлари Коммунистик партия ўзининг бутун кучини икки йўналишга жамлаётгани — коммунистик бунёдкорлик ва тинчликни мустаҳкамлаш учун қайғураётганлигини алоҳида таъкидлаб, маҳаллий ҳаётдан олинган конкрет мисоллар билан муфассал тушунтириб беришлари керак.

Партиянинг шиори ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун, ҳамма нарса инсон учун эканлигини совет кишилари биладилар. Билганлари учун ҳам КПССнинг снёсатини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар. Лекин шуни ҳам унутмаслик керакки, турмуш шароитини ҳар қандай яхшилашга совет кишиларининг ўзи зўр ғайрат билан қилган меҳнат туфайлигина эришиш мумкин. Идеология ходимлари олиб борадиган иш, улар ўтказадиган тадбирлар меҳнат кишисини ҳар томонлама улуғлашга, уларга инсбатан ҳурмат-эътиборни оширишга қаратилмоғи керак.

Партия ҳужжатлари ва қарорларини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг роли каттадир. Маҳаллий газета материаллари, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида съезд ғояларини ҳар бир киши қалби ва онгига ёрқинроқ ва тушунарлироқ қилиб етказиш, ютуқларимизни, совет турмуш тарзининг афзалликларини кенг миқёсда кўрсата билиш керак. Бу билан партия ташкилотларига иқтисодий ҳамда социал вазифаларни ҳал этишда яқиндан ёрдам бериш мумкин.

Ҳисобот докладида алоҳида қайд қилинганидек, «партиянинг идеология, пропаганда соҳасида иш олиб борувчи актини, марксча-ленинча таълимотни янада ривожлантириш ва оммани тарбиялаш, коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда, омманинг ижодий ғайрат-шижоатини оширишда биринчи даражали роль ўйнайди».

Идеология ходимлари буни асло ёддан чиқармасликлари керак. КПСС XXVI съезди қарорларини кенг тушунтириш, омма орасида чуқур тарғиб қилиш уларнинг бундан буёнги энг масъулиятли, шарафли ва жонажон ишидир.



Учрашув пайти. ТАСС фотоси.

СОВЕТ—ПОЛЬША УЧРАШУВИ

4 март куни Кремлда Совет Иттифоқи ва Польша Халқ Республикаси раҳбарларининг дўстона учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг раиси Ю. В. Андропов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Мудофаа министри Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. В. Русаков;

Польша томонидан — ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари С. Каня, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПХР Министрлар Советининг Раиси ва Мудофаа министри В. Ярузельский, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ПБИП Катовице воевода комитетининг биринчи секретари А. Жабиньский, ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, ПБИП Марказий Комитетининг секретари Э. Войташек, ПХРнинг Совет Иттифоқидаги элчиси К. Ольшевский қатнашдилар.

ПБИП ва ПХР раҳбарлари Совет Иттифоқи раҳбарларини КПСС XXVI съезди муваффақиятли тугаганлиги билан табрикладилар. Уларнинг фикрича, бу съезд жуда катта интернационал аҳамият касб этади. Улар таъкидлаб айтдиларки, Польша коммунистлари, Польша меҳнаткашлари Совет дўстларининг эришган ютуқлари билан фахрланадилар.

Поляк ўртоқлар мамлакатдаги аҳвол тўғрисида, Польша халқининг социалистик ғалабаларига солинаётган жиддий хавф-хатарни бартараф этиш борасида кўрилаётган чоралар ҳақида ахборот бердилар. Польша Бирлашган Ишчи партияси ва ПХР ҳукумати ПБИП Марказий Комитетининг VIII пленуми қарорларига мувофиқ, ишчилар синфига, меҳнаткашларга, жамиятнинг барча онгли кучларига таянib, анархия ва бошбошдоқлик батамом бартараф этилишига, социалистик тузум мустаҳкамланишига оғишмай эришишга ҳаракат қилади.

Суҳбат қатнашчилари айтдиларки, ишчиализм, ички реакция Польшадаги иқтисодий ва социал танглик дунёдаги кучлар нисбатини ўзгартиришга, социалистик ҳамдўстликни, халқаро коммунистик ҳаракат ва бутун озодлик ҳаракатини заифлаштиришга олиб келади, деб умид боғламоқда. Бу эса ана шундай хатарли уринишларга қатъий ва кескин зарба беришни айниқса тақозо этади. Социалистик ҳамдўстлик — ажралмасдир, унн ҳимоя қилиш фақат ҳар бир давлатнинг ишигина бўлиб қолмай, балки бутун социалистик коалициянинг ҳам ишидир.

Совет раҳбарлари айтдиларки, СССР бошқа қардош мамлакатлар билан биргаликда социалистик Польшага, Польша коммунистларига уларнинг мамлакатдаги аҳволни тубдан соғломлаштириш борасидаги қизғин ишларида зарур бўлган бутун мададни бериб келдилар ва бундан кейин ҳам бераверадилар. Бундай ёндашувни КПССнинг XXVI съезди батамом маъқуллади, уни барча совет коммунистлари, совет халқи қўллаб-қувватламоқда. Польша коммунистларининг воқеаларнинг боришини бўриб юборишга, Польша халқининг социалистик ғалабаларига таҳдид солаётган хатарни бартараф этишга имкониятлари ва кучлари бор, деб ишонч билдирилди.

Совет кишилари Польша социалистик ҳамдўстликнинг мустаҳкам бўғини бўлиб келганлиги ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолаверишига ишонадилар. Учрашувда Польшанинг раҳбарлари шуни яна бир карра таъкидладилар.

Учрашув қатнашчилари якдиллик билан қайд этдиларки, мураккаб халқаро вазият, кескинликни юмшатиш жараёнини давом эттириш ва уни чуқурлаштириш манфаатлари йўлида ҳал этиш зарур бўлган катта-катта вазифалар қардош социализм мамлакатлари бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашни янада зўр куч билан тақозо этади.

Учрашув сидқидиллик вазиятида ўтди ва томонларнинг муҳокама этилаётган масалаларга ёндашуви муштараклигини тасдиқлади.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг ПХРдаги элчиси Б. И. Аристов, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчиси А. И. Блатов, ПБИП Марказий Комитети секретариати канцеляриясининг бошлиғи З. Регуцкий ҳам иштирок этдилар.

(ТАСС).

СЪЕЗД ҚАРОРЛАРИ — ОММАГА

Кеча область идеология ходимлари активининг йиғилиши бўлди.

Йиғилиш қатнашчилари Тошкент областининг партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахоновнинг «Идеология ходимларининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съезди қарорларини пропаганда қилишдаги вазифалари тўғрисида»ги докладини тингладаб, муҳокама қилдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Тошкент областининг барча идеология ходимлари ва активларига мурожаат қабул қилдилар.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов иштирок этди.

(Йиғилиш ҳақидаги ҳисобот газетанинг навбатдаги сонида эълон қилинади).

ВАТАНИГА ҚАЙТА ТУРИБ

АХДП Марказий Комитетининг Бош секретари, Афғонистон Демократик Республикаси Революцион Кенгашининг Раиси ва Бош Министри Бабрак Кармал Бошчилигидаги Афғонистон Халқ демократик партиясининг делегацияси ватанига қайта туриб, 5 март куни Тошкентда тўхтади. Делегация КПСС XXVI съезди ишида қатнашди.

СССР, АДР ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэропортида Афғонистон делегациясини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзолигига кандидатлар Е. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, Ю. П. Максимов, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, Л. Н. Мелкумов, бошқа масъул партия ва совет ходимлари, Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари, шаҳарнинг ўқув юртларида таълим олаётган афғон йигит ва қизлари кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

РЕПОРТАЖ

ДЕЛЕГАТЛАРНИ ҚУТЛАБ

Аэропортнинг файзи ўзгача бўлди, шу куни йиғилганларнинг юзида байрамона кайфият, хушчақчақлик. Республикамиз табиатидек гўзал турфа гулдасталар тутган жамоатчилик вакиллари КПСС тарихий XXVI съездида иштирок этган республикамиз донгдор кишиларини кутиб олиш учун бу ерга тўпланишган. Улар самолёт келишини сабрсизлик билан кутишяпти, шаррос қуяётган ёмғирни ҳам ҳаяжон билан сезмаган ҳолда очиқ ҳавога чиқиб олишган.

Ниҳоят ИЛ-62 ҳаво лайнери кўринди. У оҳиста аэропортга қўнди. Республикамизнинг барча областлари вакиллари делегатларни қуршаб олишади. Улар эса ўз дўстлари даврасига қўшилибоқ, ҳаяжон билан таассуротларини ўртоқлашадилар.

— Буюк Коммунистик партиямизнинг съездларида қатнашиш ҳар бир коммунистнинг муқаддас орзуси,— дейди Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Буолма Жўраева.— Мен шундай шарафга сазовор бўлганлигимдан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман. Ватанимиз пойтахтида ўтказилган съезд кунлари бир умр хотирамдан ўчмайди. Бу тарихий анжуман қабул қилган қарорлар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг сермазмун Ҳисобот доклади ҳаммамизни тўлқинлантириб юборди. Меҳнат кишисига, оддий ишчига кўрсатилаётган ғамхўрликлар бизларни янада юксак самара билан меҳнат қилишга илҳомлантиради.

— Меҳнат қилган элда азиз, дейди халқимиз. Бу бежиз айтилмаган, албатта,— дейди Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз бригада бошлиғи Марҳамат Искандарова. Ўзининг меҳнатсеварлиги, зарбдор иши билан бундай юксак ишончга муяссар бўлган қўлиб областимиз вакиллари ҳам съезд ишида қатнашдилар. Делегатлар бўш пайтларида Москванинг диққатга сазовор ерларини бориб кўрдилар. Ленин мавзолейини зиёрат қилдик. Москванинг жанубий-шарқий зонасида, Волгоград районидаги қатор кўчаларга Самарқанд, Тошкент, Фарғона номлари берилган. Бу райондаги «Тошкент» кинотеатри ва ҳиёбони ҳам энг гўзал оромгоҳларга айлантирилган. У ерда областларимизнинг улкан меҳнат ғалабаларини ҳикоя қилувчи кўплаб ҳужжатларни кўриш мумкин.

— Москвада ўтган съезд кунларини ҳаяжонсиз эслай олмайсан,— дейди Янгийўл пойафзал фабрикасининг илғор ишчиси Орзу Иқматова.— Чунки докладларда, музокарада иштирок этган нотиқлар нутқида асосий мақсад — халқ турмуш фаровонлигини янада яхшилашдан иборат эканлигининг таъкидланиши кишини тўлқинлантирмай қолмайди. Бу ерида кенг истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш хусусида алоҳида тўхталиб ўтилганлиги биз — пойафзалчилар олдига ҳам янги масъулиятли вазифалар қўяди. Бунинг учун янада унумли ва сифатли ишлашимиз, янги-янги ички резервларни ишга солишимиз, барча имкониятлардан самарали фойдаланишимиз талаб этилади.

Съезддан қайтган машҳур механизатор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси Назрулла Маннопов, Тошкент районидаги «Ўзбекистон 50 йиллиги» колхозининг сут соғувчиси Волида Мусаева ва бошқалар ҳам бугун-эрта ўз жонажон коллективларида партия анжуманидан олган таассуротларини ҳаяжон билан ҳикоя қилиб берадилар.

А. МИРАЛИМОВ.





Суратларда: КПСС XXVI съездидан қайтган Тошкент область делегатлари; Оққўрғон районидаги С. Сегизбоев номли совхоз бригада бошлиғи Марҳамат Искандарова (юқорида).

КПСС XXVI СЪЕЗДИ

ТОШДАГИ ЖИЛОЛАР

Ғазалкент тоштарошлик комбинати коллективи 1980 йил ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли якунлади. Ишлаб чиқаришдаги юқори кўрсаткичларни учун комбинат республика социалистик мусобақаси ғолиби деб топилди ҳамда коллективга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, республика касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи берилди.

Коллектив ишчи-хизматчилари ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилини ҳам яхши бошлашди. КПСС XXVI съездининг тантанали очилиши, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг сермазмун Ҳисобот доклади ғазалкентлик тоштарошларни янада илҳомлантириб юборди. Кўплаб илғорлар съезд шарафига бошланган зарбдор вахтани давом эттириб, иш суръатини янада оширдилар. Бир ярим ҳафта илгари икки ойлик план адо этилди. Тоштарошлар йил бошидан бери 1 миллион 360 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардилар. 1 миллион 312 минг сўмлик маҳсулот реализабил қилинди. Бу эса белгиланганидан анча кўпдир.

И. ШИРМАТОВ,
Қ. ҒУЛОМОВ.

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ МАРШРУТИ

Бекобод шаҳар автобус-таксомотор парки коллективи ўз фаолиятида тежамкорликка ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. Тажрибали ҳайдовчилар автомобиллардан оқилона фойдаланиб машиналар капитал ремонт муддатини узайтириш, ёнилғини тежашда бошқаларга намуна бўлишяпти.

— Ўтган йили корхонамизда тежамкорлик масаласига алоҳида эътибор берилди,— дейди корхона эксплуатация бўлими бошлиғи А. Муҳитдинов.— Тежамкорлик учун мусобақада 320 нафар шофёр актив иштирок этди. Ҳар ойда мусобақаларга якун ясалиб, пешқадамлар аниқланиб борилди. Йил охирида эришилган натижалар чакки бўлмади: 52,4 тонна ёнилғи ва мойлаш материаллари, 30 минг киловатт-соат электр энергияси ва 3,5 минг сўмлик эҳтиёт қисмлар тежаб қолинди. Бу муваффақиятларда «Намунали хизмат маршрути» номига сазовор бўлган автобус бригадаси бошлиғи О. Ефимов, таксичилар бригадаси бошлиғи, III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери, «Фахрий автотранспорти» деган шарафли ном эгаси Н. Қўзибоев, шаҳар Советининг депутати А. Жумаев, У. Ҳожимуродов, Х. Абдурахмонов сингари ишчи-хизматчиларимизнинг ҳиссаси катта бўлди.

КПСС XXVI съезди қарорларидан руҳланган коллектив ўн биринчи бешйилликда «Намунали хизмат маршрути» бригадаларини янада кўпайтириш учун курашмоқда.

Р. БАГИРОВ,
Р. ЭСОНОВ.



ОДАТДАГИДЕК Пётр Пантелеевич тонг саҳардаёқ фермада эди. У сигирларга тарқатилаётган ем-хашакни, автопоилкаларнинг ишлашини текшириб чиқди. Бу пайт бригада соғувчилари говмушларини соғишга киришаётган эди.

— Пётр Пантелеевич, табриклаймиз!

Ратушняк унга қучоқ очиб пешвоз чиққан район ҳарбий комиссари Э. Ибрагимовнинг бу гапларига ҳайрон бўлди.

— Ҳали ҳеч нарсадан хабарингиз йўқми? Сизга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилибди.

— Менга? Нима деяпсиз, янглиш эшитгандирсиз?

— Ҳозиргина радиода эълон қилишди-ку!

Ҳарбий комиссариат ходимлари, бу ерга келган уруш ветеранлари уни қучишар, қўлларини қисишар, лекин Пётр Пантелеевичнинг ўзи кутилмаган хушхабардан ҳайратланиб турарди.

У — Қаҳрамон!..

Наҳотки, фермадаги оддий меҳнати жасорат деб баҳоланган бўлса?! Инсон умрида шундай лаҳзалар бўладики, бу пайтда яшин ёғдуси борлиқни ёритиб юборгандек, бутун умрнинг кўз ўнгингда гавдаланиб кетади. Ратушняк табиатан жуда босиқ бўлсада, ҳозир ҳаяжонини тизгинлай олмас, дам Қора денгиз соҳилларидан Болтиқбўйигача жанг билан босиб ўтган йўлларини, тоғ меҳнат жабҳасидаги ташвишларга, қувончларга сероб бўлган кунларни хотирларди.

...Пётр пешона терининг таъмини ўспиринлигидаёқ татиб кўрди. 16 яшарлигида механизаторлар тайёрлаш курсини тугаллаб, Кўкорол массиви бағрига пўлат тиғ солганлар сафида бўлди. Уруш бошланиб, норгил йигитлар фронтга йўл олгач, мўйлаби энди сабза ура бошлаган Пётр беш хотин-қиздан иборат тракторчилар бригадасининг механиги қилиб тайинланди.

Уруш йилларида фронт чизиғи окоплар қазилган жанг майдонларидангина эмас, қурол-яроғ ишлаб чиқарилаётган завод ва фабрикалар, ғалла ва пахта етиштирилаётган далалар орқали ҳам ўтган эди. Шундай бўлса-да, йигит комиссариатда механизаторлиги учун ҳарбий хизматга олинмаслик тўғрисидаги ҳужжатини сир тутиб, муродига етди. Қора бушлатларининг ўзи фашистларни таҳликага солган денгиз пиёдачилари сафида Қрим ярим оролини озод этишда қатнашди. Бу жангларнинг бирида ярадор бўлди. Соғайиши билан фронтга йўл олди. Жанг-жадал билан Полоцк, Витебск шаҳарларига кириб борди. Рига остоналарида қаттиқ жароҳатланиб, госпиталда узоқ даволанди.

Врачлар Ратушнякка учинчи группа уруш инвалиди гувоҳномасини берган бўлсалар-да, у енгилроқ иш топишни ўзига ҳам келтирмади. Бир неча йил конларда механиклик қилди. Тунлари лат еган оёғи зирқираб, эски дардлари ҳужумга минавергач, ноилож бу ишни ташлади.

«Чиноз» наслчилик совхоз-техникумида ҳам Пётр Пантелеевич жўнроқ ишга кўнмади. Рафиқаси Любовь Ильинична 4-фермага бузоқбоқар бўлиб ишга кирган эди, у ҳам молбоқарликни танлади. Кўп ўтмай хўжалик раҳбарлари Пётр Пантелеевични механизатсевар ишчининг эмас, қўли ҳам гул эканлигини сезмай қолишмади. Ратушняк навбатчилигида ем-лар ҳам ўз вақтида тарқатилган, молхоналар саранжом-саришта, кечагина бузилган механизмлар бинойидек ишлаб турарди. Техникага ихлосманд молбоқар эски ҳунарини унутмаган эди. Сидқидилдан меҳнат қиладиган, сигирларга меҳр қўйган, механизмлар «тили»ни биладиган киши — ферма учун жуда керак эди! 1958 йилда уни бригада бошлиғи қилиб тайинлашди.

— Йигирма уч йилдан бери шу вазифада ишлаб келяпман,— дейди П. П. Ратушняк.— Ишимиз натижаларини рақамлар тили билан айтадиган бўлсак, ўша даврда ҳар бир сигирдан 3700 килограммдан сут соғиб олардик. Ўтган йили биргадамиздаги 130 бош сигирнинг ҳар бирининг маҳсулдорлиги 5076 килограмма етди. Сут етиштириш бўйича ўнинчи беш йиллик планни тўрт йилу тўрт ойда бажардик. Планга қўшимча давлатга 500 тоннадан кўпроқ сут топширдик.

Петр Пантелеевич бор ганшу дегандек тик олди. Суҳбатимизга бригада соғувчиси Рабига Кривенко қўшилди:

— У киши гапдан кўра ишга чечанроқлар. Биз, соғувчилар навбат билан дам оламиз. Петр Пантелеевич эса ҳар куни эрталабдан кечгача фермадалар. Ҳар бир сигирнинг «феъли-атвори»ни беш қўлларидек биладилар. Уларни қандай парвариш қилиш тўғрисида доим соғувчи ва молбоқарларга маслаҳат бериб турадилар. Сут соғиб олиш бирор кун камайиб кетса борми, ўзларини қўярга жой тополмай қоладилар.

— Ошириб юборинг-ку, Рабига. Сизлар ғайрат қилгансизлар, сут кўпайяпти. Мана сен ўтган йили сигирларингдан 6044 килограммдан сут соғиб олдинг!

Шундан сўнг бригадир соғувчилар Розия Акбарова, Мария Мурзаева, Елизавета Бородавкина, Муҳаббат Худойбергановаларнинг кўрсаткичларини бирма-бир айтиб берди. Бригададаги молбоқарлар Сентвали Осмонов, Тўлқин Абдуюсупов, Сайфулла Менгалиевларнинг сигирларни парвариш қилишдаги кўрсатаётган жонбозликлари ҳақида гапирди.

Ратушнякнинг ғоят камтарлигини район қишлоқ хўжалик илғорларининг қурултойи пайтида яққол сезиш мумкин эди. Петр Пантелеевични президиумга сайлашди. Сўзга чиққан нотиқлар Ратушняк номини тилга олиб, уни олий мукофот билан қизғин табриклашар экан, Петр Пантелеевич кенг яғринли гавдасини панароққа олишга интилар, бу самимий қутловлардан ўзини ноқулай сезиб, бошини тобора пастга эгарди.

Ратушнякнинг Улуғ Ватан уруши йилларида Қизил Юлдуз ордени ва «Жасурлиги учун» медали, Шавкатли Меҳнати учун, Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь Революцияси орденлари билан мукофотланганини ҳам ўзидан эмас, суриштириб билиб олдик.

— КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев партия XXVI съездида қилган докладида «Чорвачилик ҳозирги пайтда қишлоқда зарбдор фронтдир» деб алоҳида таъкидлади,— дейди «Чиноз» совхоз-техникумининг директори Н. И. Гусаков.— Петр Пантелеевич ана шу зарбдор фронтнинг ҳақиқий қаҳрамонларидан биридир. У етакчилик қилаётган бригада чорвадорлари халқимиз дастурхонини тўкин қилишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Совхоз чорвачилигини ривожлантиришда областимизда илғор хўжаликлардан бири ҳисобланади. Чинозликлар партия XXVI съезди тарихий қарорларига амалий иш билан жавоб бериш учун ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида сигирлар маҳсулдорлигини 5050 килограмма етказиш, 7900 тонна сут етиштиришга аҳд қилганлар. Хўжаликнинг П. Ратушняк бошлиқ машъал бригадаси чорвадорлари эса сигирлардан 5100 килограммдан сут соғиб олишга қарор қилдилар. Қаҳрамон етакчилигидаги коллектив ваъдага яраша ишлаяпти. Бригадада икки ой ичида ҳар бир сигирдан 900 килограммдан сут соғиб олинди, план эндаси билан адо этилди.

Ҳаёт зийнати — меҳнат, дейишади. Фидокорона, ҳалол меҳнат Петр Пантелеевич Ратушняк қадрини ошириб, элга танитди. Қаҳрамон бу ҳурмат ва иззатни бир ғайратига ўн ғайрат қўшиб ишлаш билан оқлаш ниятиёқида.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

ПИШИҚ, ПУХТА, БЕЖИРИМ

Аҳолига кўплаб пишиқ, сифатли кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш саноатчиларимиз олдида турган асосий вазифалардан биридир. КПСС XXVI съезди материалларидан илҳомланган саноатчиларимиз ишнинг сифат кўрсаткичларини янада яхшилашга астойдил бел боғладилар.

Ўнинчи беш йиллик халқ хўжалигини ривожлантиришда катта ютуқлар даври бўлди. 1980 йил улкан меҳнат ғалабалари билан якунланди. Шунисн диққатга сазоворки, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг анчагина қисми замонавий талаб ва эҳтиёжларга мос равишда тайёрланди. Республикамиз саноатчилари ишлаб чиқарган 1906 хил маҳсулот давлат Сифат белгисини олишга сазовор бўлди. Шулардан 1030 таси областимиз корхоналарида тайёрланган буюмлардир.

Ўтган йилнинг ўзида Тошкент агрегат заводида тайёрланган фахрий беш бурчакли буюмлар корхона ялпи маҳсулотининг 84,5 процентини, «Ўртоқ» кондитер фабрикасида 47,6 процентни, «Компрессор» заводида 70,8 процентни, «Қизил тонг» тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида 50 процентни ташкил этди. Шунисн диққатга сазоворки, пойтахтдаги Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси, ўйинчоқлар фабрикаси, В. П. Чкалов номли авиацня ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган ва Сифат белгисига сазовор бўлган маҳсулотлар сони кун сайин ортиб бормоқда.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, кенг истеъмол буюмларини кўплаб тайёрлаш мақсадида социалистик мусобақа янада авж олдирилди. Кўплаб меҳнат коллективлари зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларни бажаришда ҳозирданоқ кувончли натижаларга эришмоқдалар. Жумладан, Тошкент тикув ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланаётган маҳсулотнинг яна бештасига давлат аттестация комиссняси юқори баҳо берди. Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикаси, Тошкент агрегат заводи, ўйинчоқлар фабрикаси ва бошқа корхоналарнинг бир неча маҳсулотларига давлат Сифат белгиси берилди.

Г. ВОҲИДОВА,
«Ўзгосстандарт» бошқармаси ходими.

ИҚБОЛ МАЁҒИ

(«АСОСИИ ИҲНАЛИШЛАР»НИ ЎҚИБ)

Эл муроди, мақсуди, аҳду қарори сендадир.
Даври-даврон даъвати, қалблар шнори сендадир.
Жонфидолик, қаҳрамонлик, жанговарлик ҳислати,
Эътиқод-у зўр жасорат, юрт мадори сендадир.
Ақлу идрок, қобилият, ул маҳорат мактаби,
Не талантлар, пешқадамлар иқтидори сендадир.
Янги равнақ, юксалиш, иқбол маёғи, шон йўли,
Яхши орзу, катта омад, бахт барори сендадир.
Ҳур Ватаннинг меҳри сенда, лаззати, инъомлари,
Ҳам жамият, ҳам табиат, дил баҳори сендадир.
Этди Шоҳид таърифингни, тавсифингни ундан знёд,
Аҳли олам, нурли манзил эътибори сендадир.

Шоҳид ТОҲИРОВ.

ЦЕХГА—ЮКСАК НОМ

Тошкент трактор заводининг механика-йиғув цехига фахрли — КПСС XXVI съезди номли коллектив деган ном берилди. Бу цех мамлакат коммунистлари анжумани шарафига ўтказган мусобақада йигирма ҳафта давомида ғолиб чиқди. Йиғувчилар 1981 йилнинг икки ойлик планини зарбдорларча адо этдилар, запас қисмлар тайёрлаш юзасидан биринчи квартал топшириғини бажарганликлари ҳақида муддатидан илгари рапорт бердилар. Ишлаб чиқарилган бутун маҳсулотга давлат Сифат белгиси қўйилди.

Ягона наряд асосида ҳақ тўлаш билан меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини бошлаб берган коммунистларнинг актив иши туфайли меҳнатда ана шундай муваффақиятга эришилди. Партия бюросининг ёрдами билан съезд олди вахтаси кунларида цехда ўн олтита шундай бригада тузилган эди. Ишнинг пировард натижалари учун коллектив жавобгарлик юксак самара берди. Коммунист Валерий Гусев, комсомол Сергей Егоров бошчилик қилаётган бригадалар январь-февраль ойлари программасини бир ярим баравар ошириб адо этишди.

Илғор коллективга фахрий ном бериш ҳақидаги гувоҳнома тантанали вазиятда топширилди. Машинасозлар бу гувоҳномани қабул қила туриб, ўзимизнинг бутун куч-ғайратимизни КПСС XXVI съезди мамлакат тракторсозлари олдига қўйган вазифани муваффақиятли бажаришга бағишлаймиз, дейишди.

(ЎзТАГ).





Ўрта Осиё геология ва минерал хомашё илмий-тадқиқот институти коллективи КПСС XXVI съезди қарорларини изчил амалга оширишга киришди. Бу ерда келгусида халқ хўжалигида катта иқтисодий самаралар берадиган муаммолар ҳал қилинади. Суратларда: (чапдан ўнгга) методика бўлими мнинг раҳбари Х. Акбаров (ўнгда) ва техник ходим Н. Бихтевалар тадқиқот устида; ўнгдаги суратда профессор С. Ибодуллаев (чапдан учинчи) ўз шогирдлари — ёш геологлар Б. Маҳмудов, Г. Валиева, А. Эргашевлар билан биргаликда.
И. Глауберзон фотолари.

Зарбдор қурилишларда

„300-СТАН“ БЎЛАДИ

В. И. ЛЕНИН номидаги Ўзбекистон металлургия заводини реконструкция қилиш ишлари шу кунларда янада қизғин тус олиб кетди. КПСС XXVI съезди тарихий қарорларида, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишларида қора металлургия саноатини юксалтириш бўйича белгиланган улкан режалар бунёдкорлик ишлари билан шуғулланаётган қурувчилар ва монтажчилар куч-ғайратини янада ошириб юборди. Барча коллективлар корхона объектларини тезроқ қуриш билан металл ишлаб чиқарилишининг кўпайишига муносиб ҳисса қўшиш иштиёқида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили учун юксак марраларни белгиладилар ва уларни эгаллаш учун мусобақани кундан-кунга кенгайтирмоқдалар.

Бинокорлар ва монтажчилар ўтган йили анча дуруст ишлашди. Ҳар йили 100 минг тонна металлоломни қайта ишлаш қувватига эга бўлган қувватлар ишга туширилди. Бу билан «Ўзбекметаллургстрой» трести коллективи КПСС XXVI съезди шарафига олган ўз мажбуриятининг энг муҳим пунктларидан бирини шараф билан уддалади.

Бунёдкорлар бу йил ҳам янги меҳнат муваффақиятларини қўлга киритмоқдалар. Қурилишда бош пудратчи ҳисобланган трестнинг 3-бошқармаси коллективи съезд очилишига икки ойлик қурилиш-монтаж ишлари программасини бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Бинокорлар 1981 йилнинг 23 февралигача 210 минг сўмлик маблағ ўзлаштирдилар. Бу икки ойлик топшириғидан 5 минг сўм кўпдир. Трестнинг кичик механизация бошқармаси коллективи ҳам январь—февраль ойлари планини зиёдаси билан адо этди.

Мамлакатимиз коммунистларининг улкан анжумани ишлаб турган кунларда съезд олди социалистик мусобақаси ғолиблари шарафланди. Айниқса, М. Хоғай, О. Худанов, В. Ходовлер раҳбарлигидаги комплекс бригадалар коллективлари шаънига жуда кўп илиқ сўзлар айтилмоқда. Бу коллективлар съезд очиладиган кунгача биринчи квартал планини бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар. Шунингдек, В. Скворцов, С. Хайбуллаев, В. Жирнов ва бошқа кўпгина бригадалар ҳам самарали ишладилар. В. Жирнов бошлиқ бригада эса «КПСС XXVI съездига—26 зарбдор ҳафта!» шиори остида бошланган мусобақада энг яхши натижага эришган бригада деб тан олинди.

Ҳозирги вақтда пудратчи ва ёрдамчи пудратчи ташкилотларнинг ишчи ва моддий-техника ресурслари биринчи навбатда қурилаётган объектларга марказлаштирилган. Улар ҳар йили 100 минг тонна металлоломни қайта ишлаш қувватига эга бўлган яна бир иншоотни барпо этишяпти. У бу йил фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари умумий қурилиш ишлари ҳам қизғин тус олган. Ишга туширилаётган корпуснинг синчлари монтаж қилиб бўлинди. Бошқа бинолар каби бу бино синчлари тўла йиғилган ҳолатда ўрнатилмоқда. Бунинг учун лозим бўлган темир-бетон ва металл конструкцияларини «Ўзстройиндустрия» ишлаб чиқариш бирлашмаси корхоналари етказиб бермоқда.

Шуниси диққатга сазоворки, том устига ёпиладиган элементлар монтаж қилиш олдидан йириклаштирилмоқда. Бундай блокларнинг ўртача ҳажми 24х18 метр бўляпти. Бунинг учун махсус конвейер линияси ишга туширилди. Бу линиянинг бир қанча постлари бўлиб, уларда конструкциянинг у ёки бу қисми йиғиб борилади. Конвейерни бошқариш билан банд бўлган бинокорлар меҳнат ҳамкорлиги шартномасини тузиб ишлашяпти. Бу қурилиш сифатини яхшилашга ҳам ёрдам бермоқда. Қатор бригадалар ишларни пудрат асосида амалга оширишмоқда.

Конвейер ва меҳнатни ташкил этишнинг самарали формаларини қўлланиш қурилишнинг бир маромда боришига, унда иштирок этаётганларнинг куч-ғайратини зарур ишга оқилона сафарбар этиш, ҳамкорликни кучайтиришга олиб келяпти.

«Узбекметаллургстрой» трести коллективи съезд қарорларидан руҳланиб, ўн биринчи беш йилликнинг тўғриғ йили учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилди. Меҳнат жараёнларини иложи борича кўпроқ механизациялаш, прогрессив материаллар ва конструкцияларни кенг қўлланиш, ишчи кучи ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш, иқтисодий тежамкорликни кучайтириш ҳисобига бу муҳим объект қурилишида йиллик планни муддатидан илгари 20 декабргача бажаришга аҳд қилинди.

300-станни қуришга киришиш шу йилнинг энг муҳим воқеаси бўлди. Ҳозирги вақтда бу прокат станининг пойдеворлари барпо этилмоқда. Йил давомида ана шу улкан объект қурилишида 5 миллион 840 минг сўмлик маблағ ўзлаштириш назарда тутилмоқда. Бу пландагидан 200 минг сўмлик кўпдир. Бинокорлар ва монтажчиларнинг ўз меҳнати натижасидан моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида барча бригадалар меҳнатга ҳақ тўлашни аккорд ва аккорд мукофот системаси билан қамраб олинган.

Бу ерда фақатгина саноат объектлари қуриляпти, деб бўлмайди албатта. Айни вақтда истиқомат қилиш учун барча қулайликлари бўлган уй-жой шаҳарчаси ҳам барпо этиляпти. Бу ерда маданий-маиший муассасалар, мактаблар, болалар боғчалари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари ҳам бўлади. Шунинг учун ҳам дарли ҳар ойда янги бир объект қўлдан чиқарилмоқда. Масалан, яқинда марказий завод лабораторияси ходимларнинг ихтиёрига берилди. Назбатда 320 ўринли болалар боғчаси, касалхоналар комплекси қуриб битказилади. Бу ерда ҳаммаси бўлиб 15 минг квадрат метрга яқин уй-жойлар металлургларга оилаларига совға қилинади.

Трест коллективи тобора ортиб бораётган қурилиш-монтаж ишлари ҳажмини муваффақиятли уддасидан чиқиш учун ўзининг ишлаб чиқариш базасини ҳам мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бермоқда. Шу мақсадда ишлаб чиқариш-технологик комплектация бошқармасининг йирик базаси вужудга келтирилади. Бу қурилиш объектларига зарур материалларни етказиб беришни янада яхшилашга олиб келади.

Бир сўз билан айтганда бинокорлар ва монтажчилар КПСС XXVI съездида реконструкцияси белгиланган бу йирик металлургия корхонасини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган барча ишларни тез ва соз амалга ошириш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

И. АҲМЕТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири.

ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ЗАФАРГА ДАЪВАТ

КОЛХОЗИМИЗ меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори КПСС XXVI съезди тарихий қарорларини қизғин қўллаб-қувватлаб, яқдиллик билан маъқуллаётирлар. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда қилган чуқур мазмунли ва ёрқин докладида, асосий йўналишларда ўн биринчи беш йиллиқдаги улуғвор режалар белгилаб берилди. Съезд қарорлари ҳар бир коллективни, ҳар бир кишини янги зафарларга, зарбдор меҳнат қилишга даъват этмоқда.

Хўжалигимиз аъзолари ҳам партия кўрсатмаларини бажариш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларн етиштиришни кўпайтиришн учун мавжуд имкониятларни тўла ишга солмоқдалар. КПСС Марказий Комитети ҳозирги пайтда озиқ-овқат программасини ишлаб чиқяпти. Деҳқонларимиз ва чорвадорларимиз ҳам халқ дастурхони нознеъматларга тўкин бўлишн йўлида астойдил ғайрат қиляптилар. Буни ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилларида якунларн ҳам кўрсатиб турибди. Бу даврда колхозимизда 15,3 миллион сўмлик, планда белгиланганидан 4,1 миллион сўмлик кўп қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирилди. Аҳоли дастурхонига 41 минг тонна сабзавот, 8,1 минг тонна картошка, 5,2 минг тонна узум, 295 тонна гўшт, 3700 тонна сут, 300 минг дона тухум тортиқ қилинди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришн ривожланиши билан колхозчилар турмуш фаровонлиги ҳам ортиб боряпти. Ўтган йили хўжалигимиз ҳар бир аъзосининг ўртача ойлик маоши 243 сўмни ташкил этди.

Ўн биринчи беш йилликда янада улкан марраларни кўзлаб меҳнат қиляпмиз. Колхозчиларимиз бу йил ҳар гектар майдондан камида 400 центнердан сабзавот, 200 центнердан картошка, 110 центнердан узум олишга аҳд қилганлар.

КПСС XXVI съездида чорвачиликни ривожлантиришга, айниқса катта эътибор берилди. Колхозимизда қишлоқ хўжалигининг бу муҳим тармоғи йилдан-йилга юксалиб боряпти. Бу йил чорвадорларимиз ҳар бир соғин сигирдан 4200 килограммдан сут соғиб олиш, гўштга топширладиган қорамолларининг тирик вазнини 460 килограммга етказиш мажбуриятини олганлар.

Съезд қарорлари хўжалигимизнинг барча аъзолари учун жанговар ҳаракат программаси бўлиб қолди. Улар коммунистик бунёдкорлик режаларини амалга ошириш учун куч-ғайратларини аямайдилар.

Х. НОСИРОВ,
Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози партия комитетининг секретари.

«СЪЕЗД КЕЛАЖАК УЧУН ПРИНЦИПИАЛ ВА ШУ БИЛАН БИРГА КОНКРЕТ ИЛ-ИШРИҚЛАРНИ ТАСДИҚЛАБ БЕРДИ. ЭНДИ МАНА ШУ ИЛ-ИШРИҚЛАРНИ БАЖАРИШ БУТУН КУЧ-ҒАЙРАТНИНГ МАРКАЗИГА ҚЎИИЛМОҚДА. СЪЕЗД ДЕЛЕГАТЛАРИ ЎЗ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИГА ҚАЙТИБ БОРГАЧ, СЪЕЗД ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛИЙ ИШЛАРДА РЎЕБГА ЧИҚАРИШ СОҲАСИДАГИ ЖУДА КАТТА ИШГА КИРИШИШЛАРИ ЛОЗИМ БЎЛАДИ».

Л. И. БРЕЖНЕВ.



Барча совет кишилари қатори Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз аъзолари ҳам КПСС XXVI съезди материалларини ҳар тарафлама чуқур ўрганяптилар. Улар съезд қарорларини ҳаётга тадбиқ этиш, ўн биринчи беш йиллиқ план-топшириқларини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилишмоқда. Суратда: колхоз теплица хўжалигининг кишлари Б. Нажмиддинов, Х. Хержев, А. Мамараҳимов, Ш. Фахриддинов ва Н. Авазовлар съезд материаллари билан танишмоқдалар.

А. Абалян фотоси.

ЧЎПОНЛАР МУСОБАҚАСИ

ҚЎЙ КЕЛЯПТИ ҚЎЗИ БИЛАН

ЙИЛОВЛАРДА кун сайин қўй-қўзилар кўпайиб бормоқда. Эрта кўзилатишни бошлаб юборган Коммунистик районидаги Свердлов номли колхозининг чўпонлари отарларга отарлар қўшмоқдалар.

— КПСС XXVI съездн қарорларида чорвачиликни жадал ривожлантириш энг муҳим вазифа деб таъкидланди, — дейди қўйчилик фермасининг зоотехниги К. Оқилбеков. — Чўпонларимиз партиямиз белгилаб берган улуғвор вазифаларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўшиш учун бу йил оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилганлар. Отарларимизда 3635 бош совлиқ бор. Ҳар юз бош совлиқдан 100 тадан қўзи олишга аҳд қилинган.

Хўжаликда эрта кўзилатишга ҳар тарафлама пухта ҳозирлик кўрилди. Кўзилатиш ўтказиладиган иссиқхоналар сифатли ремонтдан чиқарилди. Совлиқлар рацион асосида омухта ем, майдаланган пичан билан боқилди. Шу туфайли моҳир чўпонлар кўзилатишни муваффақиятли ўтказмоқдалар.

Коммунист чўпон Сирлибой Мирзалиев бу йил отаридаги ҳар юз совлиқдан 118 тадан қўзи олишга сўз берган. Ҳозиргача у совлиқлардан 140 та қўзи олди. Унинг мусобақадоши Исроил Ҳасанов отарида ҳам янги туғилган қўзилар кўпайиб бормоқда. Бу чўпон ҳозиргача 190 та қўзи олди. У ҳам ўн биринчи беш йилликнинг тўнғич йилида ҳар юз бош совлиқдан 118 тадан қўзи олишга аҳд қилган.

Колхоз чўпонлари март ойигача кўзилатиш кампаниясини тугаллашни мўлжаллашмоқда. Улар янги туғилган қўзиларни меҳр билан парвариш қилишяпти. Бу ишларда чўпонлардан Эркабой Қолдибоев, Молдибой Бойимбетов, Жўлдибой Тожиҳоновлар, айниқса, намуна кўрсатмоқдалар.

А. ШАХАНОВ.

РЕКОНСТРУКЦИЯ ДАВОМ ЭТАДИ

Олмалиқ химия заводи коллективи КПСС XXVI съезди шарафига меҳнат вахтаси кунларида аммофос ишлаб чиқарувчи янги технология линиясининг лойиҳадаги қувватини ўзлаштирди. Бу линия корхонани реконструкция қилиш давомида яратилган эди. Бу эса химикларга юқори сифатли ўғит ишлаб чиқариш графигидан ўзиб кетиш имконини беради. Республика деҳқонларига йил бошидан буён қарийб 300 тонна ўғит етказиб берилди.

Ҳозир Р. Беловой, аппаратчилардан А. Шеретнева, Г. Цой ва кўплаб бошқа илғорлар ҳар куни планга қўшимча равишда юзлаб тонна аммофос ишлаб чиқармоқдалар. Завод коллективи эса йил охиригача қишлоққа топшириққа қўшимча равишда ўн минг тоннадан кўп «ҳосилдорлик шарбати» юборишга қарор қилди.

Реконструкция давом этмоқда. Бу ерда олингугурт ишлаб чиқарувчи иноатда мураккаб установкани қуриш бошланди. Бу қурилма ишга туширилиши билан корхонада ўғит ишлаб чиқариш йилига 700 тоннага етади.

(ЎзТАГ).

ОБЛАСТЬ ПАХТАКОРЛАР СОВЕТИНИНГ 1981 ЙИЛ ҲОСИЛИ УЧУН ЧИГИТНИ БАРВАҚТ, УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЭКИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТУГАЛЛАШ ЮЗАСИДАН

ТАВСИЯЛАРИ

БАРЧА совет халқи қатори Тошкент области қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳам партия XXVI съезди тарихий қарорларини, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг Ҳисобот докладидан келиб чиқадиган вазифаларни катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги руҳида кутиб олдилар. Партиянинг совет халқи турмуш фаровонлигини ошириш тўғрисидаги ғамхўрликларига жавобан пахтакорлар барча қишлоқ меҳнаткашлари ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, пахта, бошқа турдаги деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш бўйича ўн биринчи беш йиллиқнинг биринчи йилига қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун курашни кучайтириб юбордилар. Область колхоз ва совхозлари чигитни тупроқнинг табиий намн ҳисобига бир текис ва тўла ундириб олиш, «оқ олтин»дан юқори ҳосил етиштириш учун чигитни барвақт, уюшқоқлик билан экишга тайёргарлик кўришни ўз вақтида тугаллаш бўйича актив иш олиб бормоқдалар.

Область пахтакорлар Совети бу мақсадларга эришиш учун 1981 йил март ойида қуйидаги ташкилий-хўжалик ва агротехник тадбирлар комплексини амалга оширишни тавсия этади:

СУВ ТАНҚИСЛИГИГА ҚАРШИ КУРАШ

КУЗ ва қишқи об-ҳаво шароити қишлоқ хўжалиги учун унча ҳам қулай бўлмади. Бу даврдаги ёғингарчилик миқдори нормадагидан ва кўп йиллик ўртача кўрсаткичлардан кам бўлди. Тупроқдаги нам, тог ва сув омборларидаги сув запаслари чекланган дир. Бу ҳозирнинг ўзида қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги органлари, колхоз, совхозлар раҳбарларидан сув танқислигининг олдини олиш учун конкрет чораларни белгилаш ва амалга оширишни талаб этади. Барча суғориш шохобчаларини тозалашни тезда ва сифатли тугаллашга, каналларни бетонлаш, гидротехник иншоотлар ва насос-куч қурилмалари ремонтини ниҳоясига етказишга, сувни ўз вақтида етказиб беришга алоҳида эътибор бериш лозим. Тупроқнинг пастки қатламларида нам запасларини имконияти борича сақлаб қолиш ва кўпайтириш, суғоришга ишлатиладиган барча сув манбаларидан оқилона фойдаланиш учун барча чораларни кўриш зарур.

Икки-уч кун ичида ҳар бир хўжаликда, бригадада тупроқ шароитидан келиб чиққан ҳолда экиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича барча тадбирлар комплексини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш юзасидан конкрет календарь иш планини тузиб чиқиш ва амалга ошириш муҳимдир. Ҳар бир хўжаликда тезлик билан чигитни бир текис ва тўла ундириб олиш учун нам етарли бўлмаган майдонларни аниқ белгилаб олиш ва 15 мартдан кечикмай бу ерларга қўшимча сув қўйишни тугаллаш керак.

Ҳар бир хўжаликда чигит пуштага экиладиган майдонларни иложи борича кенгайтириш лозим. Бунда эгатлар юзасига яхши майдаланган чириган гўнг солиш керак. Бу намни сақлашга ва чигитни бир текис, тўла ундириб олишга хизмат қилади.

Ҳар бир хўжаликда ва районда бу йил барча майдонларга чигит экиш билан бир йўла эгат олиб кетилишини таъминлаш учун зарур чораларни кўриш лозим. Бу чигитни бир текис, тўла ундириб олиш учун тупроқда нам етишмаган тақдирда тезлик билан чигит суви беришга, ёғингарчилик кўп бўлган тақдирда эса, ёмғир сувларининг оқиб кетишига ва қатқалоқнинг кам бўлишига хизмат қилади.

Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш учун ҳар бир хўжаликда 15 мартгача зарур миқдорда сувчиларни белгилаб чиқиш, 25 мартгача уларни суғоришни илғор усулларига ўргатиш бўйича ўқишини ташкил этиш керак. Сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, суғоришни юксак сифатли ўтказиш учун сувчилар ўртасида таъсирчан социалистик мусобақани ташкил этиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш чораларини белгилаш ҳам муҳимдир.

ЧИГИТНИ БАРВАҚТ ЭКИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ, УНИ ТУПРОҚНИНГ ТАБИИЙ НАМИГА БИР ТЕКИС ВА ТЎЛА УНДИРИБ ОЛИШ

КОЛХОЗ ва совхозлар, қишлоқ хўжалик органлари раҳбарлари ва мутахассислари қолоқ бригадалар, участкалар, бўлимларни илғорлар даражасига кўтариш учун конкрет тадбирлар ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари зарур. Шу ҳисобга бу йил ҳар бир хўжалик ва районда ҳосилдорликни янада ошириш, пахта етиштиришни кўпайтириш таъминланиши лозим.

Алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш негизида деҳқончилик маданиятини бутун чоралар билан ошириш пахта етиштиришни янада кўпайтиришнинг асосий омилидир.

Ҳар бир хўжаликда пахта майдонлари алмашлаб экишга ўтилган далаларда жойлаштирилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш зарур. Бунда ўтган йили ғўзанинг вилт билан касалланиши аниқланган далаларни асосан беда, каноп ва бошқа экинлар экилган ерлар билан алмаштириш муҳимдир. Вилтга чидамли пахта навлари чигитларини экиш билан бир қаторда ер унумдорлигини ошириш чораларини ҳам кўриш керак. Ҳар гектар майдонга камида 25—30 тоннадан компост қилинган маҳаллий ўғит солиш лозим.

Деҳқончилик маданиятини янада ошириш, пахтачиликда комплекс механизацияни жорий этиш ҳар бир хўжаликда пайкалларни яхлитлаштириш, тўлиқ гектарлар ҳосил қилишни талаб этади. Бунинг учун ортиқча йўллар, ариқлар йўқотилиши, коллектор-дренаж тармоқлари четларидаги дўнгликлар, карталарнинг бурчак ва четлари текисланиши, дала ўртасидаги дарахтлар олиб ташланиши зарур. Далаларни жорий текислашни сифатли ўтказишга алоҳида эътибор бериш керак. Бу чигитни бир текис, белгиланган чуқурликка экиш, ғўза вегетацияси даврида экинни сифатли суғоришни таъминлайди. Шу мақсадларда колхоз ва совхозлардаги барча мавжуд ер қазиш ва текислаш техникаси ихтисослаштирилган отрядларга марказлаштирилиши, уларга зарур миқдорда механизаторлар, ишчи кучи бириктириб қўйилиши, конкрет кундалик топшириқлар белгиланиши, иш фронти очиб берилиши талаб қилинади.

Қишда ёғингарчилик кам бўлганлиги ва тупроқнинг ҳайдалдиган қатламида нам етарли эмаслиги оқибатида кўпгина далаларда ғўзапоя қолдиқлари тўла сақланиб қолган. Шунинг учун ерларни экишга тайёрлаш пайтида колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ аҳолисини бу ишга сафарбар этиб, далаларни ғўзапоя қолдиқларидан батамом тозалаб чиқиш керак.

Кўп йиллик бегона ўтлар кўп тарқалган ерларда 8—10 сантиметр чуқурликда бир текис культивация ўтказиш, текис кесувчи ишчи органлари ўрнатилган чизеллар билан чизел қилиш зарур. Шундан сўнг бегона ўтлар илдизлари қўлга териб олиниши ва далалардан чиқариб ташланиши керак.

Ерларнинг унумдорлигини ошириш мақсадида карталарнинг четларини чизеллаш ва дискалар билан ишлов бериш зарурдир. Бунда чириган далаларни асосан беда, каноп ва бошқа экинлар экилган ерлар билан алмаштириш муҳимдир. Вилтга чидамли пахта навлари чигитларини экиш билан бир қаторда ер унумдорлигини ошириш чораларини ҳам кўриш керак. Ҳар гектар майдонга камида 25—30 тоннадан компост қилинган маҳаллий ўғит солиш лозим.

Деҳқончилик маданиятини янада ошириш, пахтачиликда комплекс механизацияни жорий этиш ҳар бир хўжаликда пайкалларни яхлитлаштириш, тўлиқ гектарлар ҳосил қилишни талаб этади. Бунинг учун ортиқча йўллар, ариқлар йўқотилиши, коллектор-дренаж тармоқлари четларидаги дўнгликлар, карталарнинг бурчак ва четлари текисланиши, дала ўртасидаги дарахтлар олиб ташланиши зарур. Далаларни жорий текислашни сифатли ўтказишга алоҳида эътибор бериш керак. Бу чигитни бир текис, белгиланган чуқурликка экиш, ғўза вегетацияси даврида экинни сифатли суғоришни таъминлайди. Шу мақсадларда колхоз ва совхозлардаги барча мавжуд ер қазиш ва текислаш техникаси ихтисослаштирилган отрядларга марказлаштирилиши, уларга зарур миқдорда механизаторлар, ишчи кучи бириктириб қўйилиши, конкрет кундалик топшириқлар белгиланиши, иш фронти очиб берилиши талаб қилинади.

Қишда ёғингарчилик кам бўлганлиги ва тупроқнинг ҳайдалдиган қатламида нам етарли эмаслиги оқибатида кўпгина далаларда ғўзапоя қолдиқлари тўла сақланиб қолган. Шунинг учун ерларни экишга тайёрлаш пайтида колхозчилар, совхоз ишчилари, қишлоқ аҳолисини бу ишга сафарбар этиб, далаларни ғўзапоя қолдиқларидан батамом тозалаб чиқиш керак.

Кўп йиллик бегона ўтлар кўп тарқалган ерларда 8—10 сантиметр чуқурликда бир текис культивация ўтказиш, текис кесувчи ишчи органлари қилиб тиркалиши, кичик карталарга қўйиладиган ғилдиракли тракторларга эса камида 12 та борона тиркалиши керак. Бороналашни кечаю-кундуз давом эттириш, ёғингарчиликдан олдин, агар зарурат туғилиб қолса, ёғингарчиликдан сўнг ҳам ўтказилиши керак. Техникани юксак унум билан ишлатиш учун ҳар бир агрегатга тўрт ишчи бириктириб қўйилади. Улар даланинг икки четида туриб бороналарга илашадиган ғўзапоя ҳамда кўп йиллик ўтларнинг илдизларини тозалаб турадилар.

Чигит экишни оммавий бошлаб юборишга саноқли кунлар қолди. Бу муҳим кампанияни уюшқоқлик билан қисқа муддатда яъни 5—6 иш кунида ўтказиш учун беш кунлик муддат ичида бороналар, текислаш ва экиш техникаларини қай даражада тайёр эканлигини яна бир бор текшириб кўриш, аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, экиш агрегатлари экипажини малакали кадрлар билан комплектлашни тугатиш ва уларни пахтачилик бригадаларига бириктириб қўйишни талаб этади. Бунда ҳар бир экиш агрегатига кўпи билан 45—50 гектар ер тўғри келиши керак. Ҳамма колхоз ва совхозларда 20 мартгача энг яхши экиш экипажи конкурсини, районларда эса механизаторларнинг слётларини ўтказиш лозим. Яқин 2—3 кун ичида ҳамма ерда бороналар, тиркаладиган қуроллар тўла комплектланган ҳолда далаларга олиб чиқилиши, чигит ташлайдиган агрегатларнинг қандай созланганини экиш бошлангунча текшириб кўриш, экиш экипажлари аъзоларининг машқларини ўтказиш керак бўлади. Шунингдек, барча агроном ва бригада бошлиқларини тупроқ ҳароратини ўлчайдиган асбоблар билан таъминлаш муҳимдир. Улар тупроқнинг самарали ҳароратини мунтазам кузатиб боришлари ва қулай муддат келиши билан экишни жадал бошлаб юборишлари керак.

Шунга эришмш керакки, ҳамма ерда далаларни чигит экишга тайёрлашга қаратилган барча агротехник тадбирлар комплекси 20 мартга қадар сифатли тугаллансин, ҳар бир дала сифат комиссиясининг акти билан қабул қилиб олинниб, «Дала экишга тайёр» сўзлари ёзилган тахтача ўрнатиб қўйилсин. 25 мартгача ҳамма район ва хўжаликларда баҳорги бошоқли дон, беда ва бошқа озуқа экинлари, эртаки сабзавот ва картошка экиб бўлиниши керак. Бу мақсадда ўғит-техник ва меҳнат ресурсларини чигит экишга уюшқоқлик билан тўла сафарбар этиш имконини яратади.

ЧИГИТНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШ

Текис ва тўлиқ кўчат ҳосил қилишнинг асосий омилларидан бири чигитни экишга сифатли тайёрлашдир. Бунда ҳамма уруғликни 2—3 марта калибровка қилиш муҳим тадбир ҳисобланади.

Униб чиққан ёш ниҳолларнинг кузги тунлам ва бошқа заараркунандалардан асраш, гоммоз ва илдиз чириш касалликларидан сақлаш мақсадида илдиз техникаларини қай даражада тайёр эканлигини яна бир бор текшириб кўриш, аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, экиш агрегатлари экипажини малакали кадрлар билан комплектлашни тугатиш ва уларни пахтачилик бригадаларига бириктириб қўйишни талаб этади. Бунда ҳар бир экиш агрегатига кўпи билан 45—50 гектар ер тўғри келиши керак. Ҳамма колхоз ва совхозларда 20 мартгача энг яхши экиш экипажи конкурсини, районларда эса механизаторларнинг слётларини ўтказиш лозим. Яқин 2—3 кун ичида ҳамма ерда бороналар, тиркаладиган қуроллар тўла комплектланган ҳолда далаларга олиб чиқилиши, чигит ташлайдиган агрегатларнинг қандай созланганини экиш бошлангунча текшириб кўриш, экиш экипажлари аъзоларининг машқларини ўтказиш керак бўлади. Шунингдек, барча агроном ва бригада бошлиқларини тупроқ ҳароратини ўлчайдиган асбоблар билан таъминлаш муҳимдир. Улар тупроқнинг самарали ҳароратини мунтазам кузатиб боришлари ва қулай муддат келиши билан экишни жадал бошлаб юборишлари керак.

Ҳар гектар ерга сепиладиган гербицид миқдори аниқланиб, у полиэтилен халтачаларга солиниб, аввалдан тайёрлаб қўйилиши лозим. Гербицидлан суюқлик тайёрлаш учун ҳар бир бригадада 15 мартдан кечикмай, керакли миқдорда идишлар тайёрлаб қўйилиши, масъул кишилар ажратилиши ва улар билан инструктаж ўтказилиши керак.

Ҳамма ерда бригадаларга зарур миқдорда органик ўғитлар ташиб келтиришни кенг кулоч ёйдириш лозим. Органик ўғитлар яхши майдаланиб, эланиши зарур. Бунинг учун ҳар бир бригадада ҳозирнинг ўзидаёқ зарур миқдорда ишчи кучлари, техника ажратилиши, экиш агрегатлари органик ўғит сепадиган мосламалар билан жиҳозланиши муҳимдир.

Ҳамма хўжаликларда 15 мартдан кечикмай қишлоқ хўжалик зараркунандаларн ва ғўза касалликларига қарши қўлланиладиган химиявий дорилар, эҳтиёт қисмлар, ёқилғи-мойлаш материаллари келтириб қўйилиши ҳақида қайғуриш лозим. Ерни бороналаш ва экишга тайёрлаш билан банд бўлган тракторларнинг тўхтовсиз ишлашини таъминлаш учун техникавий хизмат-кўрсатишни оқилона уюштириш лозим бўлади.

15 мартгача ҳамма ерда кўчма автоустахоналар тайёрлаш, уларни тажрибали созловчи слесарлар билан таъминлаш талаб этилади. Бу ишда область шаҳарларининг оталиқ корхоналари ва ташкилотлари колхоз ва совхозларга актив ёрдам кўрсатишлари керак.

20 мартга қадар дала шийпонларини ремонт қилиш ва жиҳозлаш, дала ишларида банд бўлган механизаторлар, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг юксак унум билан меҳнат қилишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиб бериш лозим. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, ҳар бир механизатор, колхозчи ва совхоз ишчиси кундалик иш нормасининг сўзсиз бажарилиши, ишнинг юксак сифатли бўлиши юзасидан масъулиятини ошириш мақсадида ҳозирданоқ уларни звено ва бригадаларга бириктириб қўйиш, бажарилаётган ишни қатъий ҳисоб-китоб қилиб бориш, меҳнатга технологик картталарда белгилаб қўйилган ўлчамда ўз вақтида ҳақ тўлаб борилиши қатъий контроль остига олиниши керак.

ҒЎЗА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ

ЎТГАН йилги куз ва қиш об-ҳавоси қишлоқ хўжалик зараркунандаларининг яхши қишлаши ва кўпайишига қулай бўлди. Бу колхоз-совхозларнинг энтомологлари, ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати ходимларининг ишини барча чоралар билан активлаштиришни, бедапояларда, боғ ва бошқа кўп йиллик экинзорларда, зараркунандалар кўпайиши мумкин бўлган ўчоқларда профилактика тадбирларини кенг кўламда бошлаб юборишни тақозо этади. 20 мартга қадар ҳамма ерда карта четлари, йўл, ариқ-зовурлар ва коллектор-дренажларнинг ёқаларини бегона ўтлардан тозалаш муҳимдир.

Ҳозирданоқ ҳар бир хўжаликда етарли миқдорда кузатувчилар ажратиш, уларнинг ўқувини ўтказиш, майдонларни уларга бириктириб қўйиш, зараркунандаларнинг ривожланишини мунтазам кузатиб бориш, уларнинг ўчоқларини зудлик билан тугатиш чораларини кўриш лозим. Биологик лабораторияларда трихограмма ва габрабракон фойдали ҳашаротларни оммавий кўпайтиришни тезлаштириш зарур.

Минерал ва органик ўғитларни, гербицидларни, зараркунанда ва касалликларга қарши химиявий дориларни ташиб келтириш, тақсимлаш ва самарали фойдаланиш ишларини уюштиришга қаратилган барча тадбирларни малакали ва сифатли ўтказиш мақсадида 20 мартгача ҳамма колхоз ва совхозларда химизация пунктларини барпо этиш, уларни малакали раҳбар кадрлар, мутахассис ва механизаторлар билан комплектлаш, уларга етарли миқдорда техника ва транспорт воситалари, ишчи кучи ажратиб берилиши зарур. Шунга эришиш керакки, химизация пунктлари минерал ўғитлар, гербицидлар ва бошқа химиявий воситаларни етарли миқдорда ташиб келтириш, органик ўғитларни жамғариш ва далага солишни кўпайтириш, уларни асраш ва рационал фойдаланиш вазифаларини тўла ҳал қила олсинлар. Шунингдек, улар бу ишларни бажаришда техника ва меҳнат ресурсларидан юксак самара билан фойдаланишни таъминлашлари, фан ютуқларини ва илғор тажрибани жорий этишда актив қатнашсинлар.

Область пахтакорлар Совети барча қишлоқ меҳнаткашларини КПСС XXVI съезднинг тарихий қарорларига жавобан ҳамма ерда ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг кулоч ёйдиришга, чигитни қулай агротехник муддатларда уюшқоқлик билан экиб бўлишга қаратилган барча тадбирлар комплексини намунали бажаришга ва шу билан «оқ олтин»дан мўл ва эртаки ҳосил олиш учун мустаҳкам замин яратишга даъват этади.

Ушбу тавсиялар область пахтакорлар советининг 1981 йил 3 март куни бўлиб ўтган конгрессида қабул қилинган.

ФОТО ЛАВҲАЛАР



▲ Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март арафасида пойтахтимиздаги 41-мактабда «Она мадҳияси» мавзуида кеча ўтказилди. Кечага СССР халқ артисти Лутфихоним Саримсоқова, Ўзбекистон ССР халқ артисти Шоҳида Маъзумова ва Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрининг бир гуруҳ санъаткорлари ташриф буюрдилар.

Суратда: ўзбек-совет санъатида Оналарнинг унутилмас образларини яратган Лутфихон аяни кеча иштирокчилари байрам билан қутламоқдалар.

Р. Альбеков фотоси.

●

▲ Ўзбек-совет адабиётининг асосчиларидан бири Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий туғилган кунга 92 йил тўлди. Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Л. Қаюмовнинг «Қалдирғоч» пьесаси асосида Й. Охунбобоев номидаги республика ёш томошабинлар театри саҳналаштирган спектакль театр санъатида атоқли шоир сиймоси яратилган илк асар бўлди.

Суратда: «Қалдирғоч» спектаклидан бир кўриниш. Ҳамза ролида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати Л. Саъдуллаев, Комил — Б. Нишонов.

С. Маҳкамов фотоси.



Реклама ва эълонлар

М. Қорнеқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси
СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
6 МАРТ СОАТ 19.00 да
ҚУЛГИ ВА ТАРАННУМ КЕЧАСИ
ҚАТНАШАДИЛАР:
Солистлар: Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Исмоилжон ТУРДИАЛИЕВ, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА, Мастура ФАЗЛИДДИНОВА, Аъзам ҒОЗИЕВ, Гулчеҳра ЮСУПОВА, Улмасхон НУРМАТОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА.
ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.
Программани — Мамасоли ХОЛМАТОВ ва Мирзаҳошим КЕНЖАЕВ олиб борадилар.

«МАЛИКА» БАЙРАМГА
ТОШКЕНТ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ БИРЛАШМАСИ
хотин-қизларга чиройли, модали, башанг ва замонавий кийинишда ёрдам беради.
«МАЛИКА» БИРЛАШМАСИ 8 МАРТ БАЙРАМИГА СИЗ, ҚИММАТЛИ ҚИЗ-ЖУВОНЛАРГА ЯНГИ МОДЕЛДАГИ ҚУЙЛАКЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
Янги моделдаги кўйлаклар модали полотнолардан тайёрланган бўлиб, бу полотноларда ип араляш жун толалар, полиэфир иплари синтетика тола билан ҳамоҳанг бўлиб кетган. Бу эса, ўз навбатида буюмларга кўрк, енгиллик, пишиқлик ва айниамаслик бахш этган.
Янги моделларда кийимларни бичиш, ҳошиялар, фурнитуралар қўйиб тикишнинг замонавий мода элементларидан фойдаланилган. Шунинг учун ҳам бундай кўйлаклар нўзни қувонтиради ва байрамларга мос либосдир. Аъло даражада тикилган. Бундай моделдаги кўйлаклар «Н» (янгилик) индекси ва давлат Сифат белгиси билан чиқарилмоқда.
Модель 1—036.
Қисма бел кокеткали кўйлак. Олд қопқогидан петля очиб тақилади. Ёқаси тўғри, қайтарма. Қисқа уйма енгли. Чўнтаги устига ёпиштирилган. Ёқасининг четлари, манжетига полотнодан уқа қўйиб кенг чокли қилиб тикилган.
Размерлари: 44—52. Ранги: зангори, жигарранг. «Н» индекси билан чиқарилган.
Модель 1—037.
Қисма бел, этаги ва кўкраги алоҳида бичилган, олд томон қопқогидан петля очиб тақилади, қайтарма ёқа. Елка билан кўкраги ўртаси кўйдалангача қирқилиб, пастга томон бурма солинган. Енги ўйилган, узун, биландан тақилади. Ёқасига сурупдан астар қўйилган, бу киши қоматини яхши кўрсатади. Белбоғи алоҳида.
Размерлари: 44—50. Ранги: кулранг, яшил, пуштиранг.
Модель 1—052.
Тўғри бичилган, кокеткали, этаги кенг кўйлак. Кокеткаси ва устига ёпиштирилган чиройли чўнтаги атрофига уқа тутилган. Белбоғи алоҳида.
Размерлари: 44—52. Ранги: жигарранг, зангори.
ҲУРМАТЛИ ХАРИДОРЛАР!
Сиз бундай чиройли ва ҳушбичим кўйлакларни ГУМдан, ЦУМдан, Фрунзе савдо марказидан, «Чилонзор» савдо марказидан, «Ташпромторг» магазинларидан харид қилишингиз мумкин.



ТОШКЕНТ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.
«ЎЗТОРГРЕКЛАМА» ТЕЛЕПРЕССАГЕНТЛИГИ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» КОНСУЛЬТАЦИЯ БЮРОСИДАН

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

ГАЗЕТХОНЛАРНИНГ ХАТЛАРИГА ОБЛАСТЬ СОЦИАЛ ТАЪМИНОТ БЎЛИМИ ЖАВОБ БЕРАДИ

Беш фарзандим бор. Саккиз йиллик меҳнат стажига эгаман. 55 ёшга кирдим. Ҳозир санаторийда ишчи бўлиб хизмат қиляпман. Менга тўла бўлмаган меҳнат стажи ҳисобида пенсия белгиланди, лекин пенсия тўланмаяпти. Шу тўғрими?

М. ЮСУПОВА.

Оржоникидзе райони.

Қонунга биноан тўлиқ пенсия тайинлаш учун етарли иш стажи бўлмай қарилик пенсиясига чиққан, бироқ ишлаб турган кишиларга ҳақиқатан ҳам пенсия тўланмайди.

Лекин бундан мустасно колхозчи, совхоз ишчиси ёки қишлоқ хўжалик корхонасида ишлаб бевосита маҳсулот етиштиришда қатнашаётган кишиларга бу хилдаги пенсия тўланади.

●

Мен 1953 йилдан бери колхозда темирчи бўлиб ишлаб келаман. Хўжалик правлениеси фақат 60 ёшга тўлганингизда сўнг пенсияга чиқишингиз мумкин деб жавоб қилди. Имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқим борми?

Ғ. ТОШТЕМИРОВ,
Ғалаба районидаги «Ленинград» колхози.

Қонунга биноан колхозда ишловчи темирчилар имтиёзли шарт билан пенсия олиш ҳуқуқига эга эмаслар. Лекин СССР Министрлар Советининг қарорига биноан колхозда ишловчи темирчи пенсия олиш ҳақида мурожаат қилган даврда колхоз аъзоси бўлса, давлат пенсияси олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу ҳолда эркаклар 60 ёшда ва 25 йил меҳнат стажига эга бўлишлари шу жумладан камида 12 йил 6 ой давомида темирчи бўлиб ишлаган бўлишлари шарт.

●

Колхозда 16 йил ва давлат корхоналарида 9 йил меҳнат қилдим. 1978 йил тўлиқ иш стажига эга эмаслигим сабабли, қарилик бўйича 45 сўм ҳисобидан 20 сўм 46 тийин пенсия тайинланди. Ангрен шаҳар социал таъминот бўлимининг ходимлари СССРнинг янги Қонунига мувофиқ 28 сўм миқдорида колхоз пенсияси белгиланишини билдиришди. Шу ҳақда тушунтириш берсангиз.

О. В. ГУБЕР,
Ангрен.

Колхозчиларга пенсия тайинлаш ва тўлаш Низоми қонда ва нормалари тартибига кўра ойига 28 сўм миқдорида белгиланади.

Колхозда ишлаган вақтингизни ҳисобга олмай тўлиқ пенсия олиш учун етарли иш стажига эга бўлмаганлигингиз учун аввалги тайинланган пенсия тўғри белгиланган. Сиз СССР Қонунига мувофиқ 28 сўм миқдорида колхоз пенсиясини олиш ҳуқуқига эгасиз.

колхоздаги меҳнат фаолияти, ундан кейин ишчи ёки хизматчи бўлиб қилинган меҳнат вақти яъни давлат пенсияси учун ҳисобга ўтадиган меҳнат даври ҳам киради.

Пенсия колхоз аъзоларига тайинлаш ва тўлаш Низоми қонда ва нормалари тартибига кўра ойига 28 сўм миқдорида белгиланади.

Колхозда ишлаган вақтингизни ҳисобга олмай тўлиқ пенсия олиш учун етарли иш стажига эга бўлмаганлигингиз учун аввалги тайинланган пенсия тўғри белгиланган. Сиз СССР Қонунига мувофиқ 28 сўм миқдорида колхоз пенсиясини олиш ҳуқуқига эгасиз.

УЙ КЕТИДАН УЙ БИТСИН...

«ОБЛКОЛХОЗСТРОЙ» трестининг Ўрта Чирчиқ районидаги колхозлараро механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари район хўжаликларида аҳоли учун кўплаб кулай ва шинам турар-жой бинолариии қуриб бермоқдалар.

Ўтган беш йилдик давомида 9297 квадрат метр ҳажмдаги уй-жойлар, бирқанча мактаб, 1230 ўринли мактабгача болалар муассасалари, чорвачилик, паррандачилик комплекслари фойдаланишга топширилди.

1980 йилнинг ўзида коллектив бош пудрат бўйича 3 миллион 800 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди. Райондаги «Коммунизм», «Ленин йўли», В. Терешкова ва Свердлов номли колхозларда 500 ўқувчига мўлжалланган мактаблар, 200 ўринли мактабгача болалар муассасалари, 2084 квадрат метр ҳажмдаги турар-жой бинолари, шу жумладан, 1434 квадрат метр ҳажмдаги кооператив уйлар қуриб битказилди.

Ш. Гедельшин, А. Нигай, О. Умрбоев бошлиқ бригада қурувчилари колоннада катта ҳурмат қозонишган.

А. ЖАББОРОВ,
«Ўзколхозстрой» матбуот маркази ходими.

Янгиликлар КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА.

● САНЪАТКОР БИЛАН УЧРАШУВ
● ҚИШЛОҚЛАРДА ҲОВЛИ ТЎИЛАРИ
● ХАЛҚАРО ТУРНИР ДАВОМ ЭТАДИ

ҲАР ДОИМ БЎЛСИН ҚУЁШ

БУ ҚЎШИҚ Ангрен керамика комбинатининг «Солнышко» болалар боғчасидан баралла эшитилиб туради. Кичкинтойлар масканида болаларни ҳамиша хуш кайфиятда кўриш мумкин. Боғчада корхона ишчи-хизматчиларининг 330 нафар фарзанди тарбияланаётир. Улар билан И. Рейсних, В. Чучунова, Н. Крутикова каби меҳрибон мураббиялар турли машғулотлар ўтказиб, ёшларда меҳнатга кўникма ҳосил қиладилар. «Солнышко»да эркатойларнинг қувноқ ва соғлом ўсишлари учун барча имкониятлар яратилган.

Г. ҚОРИЕВА.

САҲНАДА ҲАВАСКОРЛАР

ТОШКЕНТ районидаги Собир Раҳимов номли колхоз клуби одатдагидан гавжум бўлди. Бу ерда райондаги бадиий ҳаваскорлик коллективларининг кўрик-конкурси ўтказилди. Унда 18 коллективдан 265 нафар санъат ихлосмандлари иштирок этди. Ҳар бир бадиий коллективнинг чиқиши томошабинларда зўр қизиқиш уйғотди.

Кўрикда Охунбобоев номли колхознинг «Дўстлик» ашула ва рақс ансамбли қатнашчиларининг бадиий маҳоратига юксак баҳо берилди. Навоий номли колхознинг ёш санъаткорлари эса иккинчи ўринни эгалладилар.

Т. ИСЛОМБОЕВА.

ЎҚУВЧИЛАР МЕҲМОНИ

«Ҳурмат белгиси» орденли Охунбобоев номли республика ёш томошабинлар театрининг бир труппа артистлари Ўрта Чирчиқ район пионерлар уйига меҳмон бўлиб келдилар. Бу ерда бўлиб ўтган ўқувчилар билан санъаткорларнинг дўстона учрашувида театр режиссёри Омон Шарипов коллективнинг келгуси ишлари ҳақида мароқ билан сўзлаб берди. Учрашув ўқувчиларда катта таассурот қолдирди.

У. ҲАМИДОВ.

●

СССР ИЧКИ ишлар министрлигининг Тошкент олий мактабида Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ўлмас Алиҳўжаевнинг тингловчилар билан учрашуви бўлиб ўтди. Кино ихлосмандларига «Абдулла Набиев», «Ватан ўғлонлари», «Ўтган кунлар», «Улуғбек юлдузи» ва бошқа кинофильмлардан яхши таниш бўлган артист учрашувда босиб ўтган ижодий йўли, янги режалари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Тингловчиларнинг кўплаб саволларига мукаммал жавоб қайтарди. Учрашув сўнгида Ўлмас Умарбеков етакчи ролларни ижро этган янги кинофильмлардан парчалар намойиш қилинди.

Р. ҲОШИМОВ.

РЕСПУБЛИКАМИЗ БУЙЛАБ

ВОДИЙ РАССОМЛАРИ

▲ ШАҲАРДАГИ 1-маданият уйида очилган маҳаллий рассомлар асарлари выставкаси ўнинчи беш йилликда Фарғона области меҳнаткашларн эришган зафарлар тўғрисида ёркин ва ранг-баранг ҳикоя қилади. КПСС XXVI съездига бағишланган экспозицияда бир юз элликата полотно ва график варақа, ҳайкаллар ҳамда манзарали амалий санъат асарлари кўйилган. Бу асарларнинг ҳаммасини бунёдкорлик меҳнати, инсон-ижодкорнинг гўзаллигини, унинг улуғвор ишларини кўйлашга бўлган интилиш мавзуи бирлаштирган.

СПЕКТАКЛЬ ҚУРИГИ

▲ ОҒАҲИЙ номидаги Хоразм область театри «Муноза давом этади» спектаклининг премьерасини кўрсатди. Республикада халқ назоратчиларининг фаолияти тўғрисида, уларнинг ишлаб чиқариш коллективларида давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун олиб бораётган кураши ҳақида ҳикоя қилувчи дастлабки пьеса постановка қилинди. Пьеса автори — маҳаллий драматург К. Матризаев Туямўйин гидроузели назоратчиларининг иш тажрибасидаги реал фактларни асарининг асоси қилиб олди.

Ижодий коллектив партия XXVI съездига бағишланган янги спектаклини ишчилар ва қишлоқ клублари, маданият саройлари саҳналарида ҳам намойиш этади.

«КОММУНИСТЛАР, ОЛҒА!»

▲ НАВОИИДАГИ «Ўзбекистон» кинотеатри ходимлари «Коммунистлар, олға!» деган кино кечалар туркумини ташкил этдилар. Ҳар бир сеанс программасида кўзда тутилганидек буюк революционерлар, ҳозирги замон қаҳрамонларининг образи экранда акс эттирилган бадиий ва ҳужжатли фильмлардан парчалар кўрсатилади. Шаҳарнинг машҳур кишилари — ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлар, социалистик мусобақа голибларн ҳам томошабинлар билан учрашадилар.

(ЎзТАГ).

Редактор
Н. НАСИМОВ.

МУҚАДДАС ОРЗУ

Командада ҳужумчи бўлиб ўйнаб, ишқибозларнинг қийқириғи остида дарвозага тўп киритишни истамайдиган футболчи топилмаса керак. Лекин, Марокашда футболчиликни касб қилиб олганлар бундан мустасно бўлсалар керак. Уларнинг муқаддас орзуси — дарвозабон бўлиш. Бунинг сабаби бор, албатта. Чунки, профессионал футбол командаларида дарвоза қўриқчиси рақиб тепган ҳар бир тўпни қайтариб юборганн учун 50 пенсодан олади. У ҳар бир ўйинда ўрта ҳисоб билан 6 фунт стерлинг ишлайди. Бунча миқдордаги пул ҳужумчининг тушига ҳам кирмайди. Тўғри хужумчига киритган ҳар бир тўп учун 75 пенсодан тўлашади, лекин ҳар бир ўйинда ҳам тўп киритишга муваффақ бўлинавермайди-да.

АНТИҚА УСУЛ

Венада Андреас Рол деган бир кимса яшайди. Унинг табиат қўйнида сайр қилиши жуда бошқача, ғайри табиийроқ. Бошқаларга ўхшаб сайр қилмайди, 20—25 метрлаб сакраб юради. Ҳамма гап шундаки, у орқасига гелий гази тўлдирилган пластмасса қоп осиб олади. Унинг ҳажми шундай катталикдаки, Андреас ўз вазнини бамисоли йўқотгандай бўлади. Бу нима учун унга керак бўлди! Балки ернинг тортиш кучи устидан қилинган ғалабани намойиш этиш учундир? Йўқ, ундай эмас. Рол ёшлигиданоқ Саҳрои Кабирни якка ўзи босиб ўтишни орзу қилади, гелий гази эса шу мақсадини амалга ошириш имконини берувчи воситадир.

ҲАР ТЎҒРИДА



МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР, ОЧКОЛАР

▲ **ФУТБОЛ.** Тошкентда ўсмирлар ўртасида XI халқаро турнир мусобақалари давом этмоқда. Иккинчи кун бўлиб ўтган учрашувлар давомида бутқул ёмғир ёғиб турган бўлишига қарамай стадионларга кўплаб мухлислар келди. Ўзбекистон футболчилари «Трактор» стадионида СССРнинг иккинчи терма командаси билан учрашиб, 2:1 ҳисобида ғалабага эришдилар. СССРнинг биринчи терма командаси эса Афғонистон футболчиларини 2:0 ҳисобида енгди. Польша—Украина ўйинида 2:2 ҳисоби қайд этилди. ГДР ўсмирлари Чехословакия командасига 0:2 ҳисобида ютқаздилар.

Европа чемпионлари кубоги мусобақаси ним чорак финалида қатнашаётган Москванинг «Спартак» командаси Тбилиси шаҳрида Испаниянинг «Реал» клуби билан бўлган биринчи ўйинни 0:0 ҳисобида дуранг қилди.

▲ **ВОЛЕЙБОЛ.** Москва шаҳрида аёллар, Ленинградда эркаклар ўртасида олий лига қатнашчиларининг ўйинлари давом этмоқда. Тошкентнинг «Динамо» волейболчилари «Уралэнергомаш» командасига 0:3 ҳисобида ютқазиб қўйгач, пойтахтнинг МВТУ командаси устидан 3:1 ҳисобида ғалабага эришди.

▲ **ШАХМАТ.** Бугун Тошкентда республика чемпионати мусобақаларига якун ясалади. 12 турдан сўнг тошкентлик спорт мастери В. Логинов 9 очко билан пешқадамлик қилмоқда. 3 шахматчи тошкентлик А. Василенко, Н. Айдаров ва бухоролик С. Галаховлар 8,5 тадан очко билан голибликка даъвогарлик қилиб турибдилар.

▲ **СУВ ПОЛОСИ.** Пойтахтимиздаги Митрофанов номли сув спорти саройида сув полоси бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган республика чемпионати ниҳоясига етди. Финалда 6 команда куч синашди. Тошкентнинг «Меҳнат» ва «Ёш куч» коллективлари биринчи, иккинчи ўринларни эгаллаб, СССР биринчилигида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Суратларда: [юқорида] ўсмирлар ўртасида XI халқаро турнирнинг очилиши. [Пастда] СССР ва Польша командалари ўртасидаги учрашув пайтлари.

Л. Гусейнов фотолари.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05 — Буратино кўргазмаси. 10.35 —Киносаёҳатчилар клуби. 11.35 — Ватанга қасамёд. Кантата. 12.00 — Илмий-оммабоп фильмлар программаси. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20—Ҳужжатли фильмлар. 16.00 — Шахмат мактаби. 16.30 — Ёш спортчининг катта майдони. 17.00 — Музикали программа. 19.00 — Совет тасвирий санъати. 19.25 — Ўсмирлар ижоди. 19.55 — Халқаро хотин-қизлар куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. Танаффус пайтида — Время. Кўрсатув тугагач — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

12.00 — Ўйлаб топ. 18.00 — Кўрсатувлар программаси. 18.05 — Мультфильм. 18.25 — Ёшлик овози. 19.15 — КПСС XXVI съезди делегатлари ҳақида телеочерк. 19.25 — Ахборот. 19.55 — Москва. Халқаро хотин-қизлари куни — 8 Мартга бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт. 21.30 —Время. 22.05 — Дунё воқеалари. 22.35 — Наташахоним. Бадиий фильм.

II.

18.40 —Болалар учун фильм. 19.00 — Янгиликлар. 19.20 — Шундай аёллар бор. 19.50 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — «Локомотив» (Москва) — 2 ва 3-даврлар. Танаффус пайтида кинофильм. 21.15 — Математика.

Тошкент область ижроия комитети савдо бошқармаси қошидаги бозорлар бошқармаси коллективи Янгиобод колхоз бозорининг директори

Абдурасул ТОЖИЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми коллективи Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ўқув муассасалари ва оммавий кадрлар тайёрлаш Бош бошқармасининг катта мутахассиси М. А. Утегенова га уғр йўлдоши

Рашид Саидович ЮСУПОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси коллективи Тошкент район бош ветеринария врачи С. Саидакбарова ўғлн

Саидмуҳтор САИДАКБАРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; адабиёт ва санъат — 325767; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир — 325894.

Р. 01844. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1556.